

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВ ЖОБИР ЖАМОЛОВИЧ**

**ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИНИНГ БАЛИҚЧИЛИКДАГИ  
АҲАМИЯТИ ВА ГИДРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Собиров Жобир Жамолович**

Тўдакўл сув омборининг балиқчиликдаги аҳамияти ва гидробиологик ҳолати..... 3

**Собиров Жобир Жамолович**

Рыбохозяйственная значения и гидробиологический режим Тудакульского водохранилища..... 19

**Sobirov Jobir Jamolovich**

Fisheries importance and hydrobiological regime of the Tudakul reservoir..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВ ЖОБИР ЖАМОЛОВИЧ**

**ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИНИНГ БАЛИҚЧИЛИКДАГИ  
АҲАМИЯТИ ВА ГИДРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/B274 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.Guldu.uz](http://www.Guldu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович</b> биология фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич</b> биология фанлари доктори, доцент  <b>Каримқулов Абдулла Тожиқулович</b> биология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд Давлат Университети</b>

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «07» март куни соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E–mail: [glsuinfo@edu.uz](mailto:glsuinfo@edu.uz).)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25

Диссертация автореферати 2020 йил «18» февраль куни тарқатилди.  
(2020 йил «18» февралдаги № 1 сонли реестр баённомаси)

**Х.К.Каршибаев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

**Ф.П.Гаибназарова**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби. б.ф.ф.д.  
(PhD)., доцент

**Х.Х.Қўшиев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, ички сув ҳавзалари биологик потенциалидан, жумладан, балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу ўринда сув ҳавзалари табиий озуқа базасидан самарали фойдаланиш учун балиқчилик технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Шунга кўра, сув омборидан фойдаланишда балиқчиликни ривожлантириш услубларини асослаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқ хўжалиги секторида интенсив усулларни ривожлантиришга, жумладан, сув омборларида яйлов аквакультураси самарадорлигини ошириш ва истиқболли балиқ турларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, турли табиий-географик ҳудудларда жойлашган сув омборлари балиқ турларининг етиштириш усуллари ишлаб чиқилди, яйлов балиқчилигида овладиган балиқ популяцияси ҳолатини мониторинг қилишнинг услублари ва овлашни самарали ташкил қилиш чоралари такомиллаштирилди. Таъкидлаш жоизки, сув ҳавзаси ихтиофаунаси биохилма-хиллигига таъсир қилмайдиган турғун технологиялар, балиқлантириладиган балиқлар тўдаси билан овладиган балиқлар популяциясининг ўзаро муносабатини ва мувозанатини аниқлаш, балиқлантирилган балиқларни овлашга имкон берадиган балиқ овлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда, маълум бир географик шароитдаги муайян сув ҳавзаси балиқ маҳсулдорлигини оширишда, у ерда парваришланаётган балиқлар тўдасини ҳисобга олган ҳолда, овлашни тартибга солиш асосий тамойил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, сув омборларида яйлов аквакультураси услублари самарадорлигини ошириш, табиий озуқа базаси организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолаш ва яйлов аквакультурасига инновацион биотехнологик усулларни жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, инновацион аквакультурани ривожлантириш ва сувдан комплекс фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида муайян натижаларга, жумладан, пасттекислик зонасидаги кўллар ва сув омборларига озуқа занжирининг юқори пағоналаридан ўрин олган карпсимон балиқлар чавоғи билан мунтазам равишда балиқлантириш дастури ишлаб чиқилди. Маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда балиқ турларини кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда балиқ етиштиришнинг интенсив усуллари амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш” ва дарё

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг ҳаракатлар стратегияси».

оқими бошқариладиган шароитда “сувдан комплекс фойдаланиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ирригация тизимидаги сув ҳавзаларида яйлов аквакуьтураси методларини ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ – 2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ – 4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув ҳавзалари ҳолатини ўрганиш ва уларда балиқчиликни ривожлантириш йўллари хориж олимлари С. Hair, J. Bell, P. Doherty (2002), De Silva (2003), C. Brugere, N. Ridder (2004), N.V.Q. Boi (2008), A. Woynarovich, M.A. Reja, R.I. Akhand, M. Islam, R.K. Sarker, S. Thomsen, T. Moth-Poulsen, A. Khaleque (2010), J.S. Nelson, T.C. Grande, M.V.H. Wilson (2016) лар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида ҳовузларда карпсимон балиқлар поликультурасини ривожлантириш ва ички сув ҳавзаларида овланадиган балиқ тўдаларини шакллантириш технологияларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар В.И. Козлов (1998, 2004), Ю. А. Привезенцев (1991, 2004), И. В. Проскуренок (2000), С.Н. Александров (2005), М.Ф. Вундцеттель (2006), Ю.П. Мамонтов (2008) лар томонидан олиб борилган.

Республика ихтиофаунасини янги турлар билан бойитиш, маҳаллий ихтиофауна вакиллари хусусиятларини ўрганиш, ички сув ҳавзаларидан балиқ овлаш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари Ғ.К. Камиллов (1973), Б. Ҳақбердиев (1983), А.А. Аманов (1985, 1990), Т.В. Салихов (1995), У.Т. Мирзаев (2013), З.А. Мустафаева (2017), М.А. Юлдашов, Б.Ғ. Камиллов (2017, 2018), М.А. Юлдашов ва бошқ., (2018) балиқчилик тизимида қўлланиладиган замонавий усуллар Б.К. Каримов ва бошқ., (2008) тадқиқотларида ўз аксини топган. Зоопланктон ва фитопланктон организмларни И.М.Мирабдуллаев (1996), И.М.Мирабдуллаев ва бошқ., (2012), З.А. Мустафаева ва бошқ., (2017), Е.Н. Гинатуллина ва бошқ., (2006),

Х.Х.Абдиназаров (2018), А.Р. Кузметов (2019) томонидан турли сув ҳавзаларида тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ бу тадқиқот ишлари бундан бир неча ўн йил олдинги сув ҳавзалари ихтиофаунасининг шаклланиш босқичига тўғри келади, яъни улар ўрганилган давр яйлов аквакультураси шароитидаги популяциялар ҳолатини ўзида акс эттирмайди. Мазкур сув ҳавзаси шароитидаги популяциялар ҳолатини, табиий озуқа базасининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш, яйлов аквакультураси технологиясини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-10-Т038 «Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик хилма-хиллигини сақлаш ва турғун фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш» (2009 – 2011) ва Биоорганика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017 0929207 «Коллаген ва табиий сувда эрувчи полисахаридлар асосида юқори оқсилли озуқа концентратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018 – 2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** текислик сув ҳавзалари яйлов аквакультураси шароитидаги балиқчилик аҳамияти, шу жумладан, текислик балиқчилик сув ҳавзаларининг гидробиологик хусусиятларини ва ов ихтиофаунасининг балиқ хўжалигидаги аҳамиятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тўдакўл сув омбори сувининг балиқчилик сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

сув омбори табиий озуқа базаси организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

сув омбори ихтиофаунаси тур таркибини аниқлаш;

сув ҳавзасига сунъий ўтказилган балиқ турларининг биологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

саноат миқёсида фойдаланилаётган овлаш куроллари самарадорлигини баҳолаш;

ўтказилган балиқ чавоқлари ва овланган балиқлар миқдори ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** фитопланктон, зоопланктон, бентос организмлар, овланадиган балиқ турлари популяцияси ва Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси объектларидан карп (*Cyprinus carpio* L.), оқ дўнгпешона (*Hypophthalmichthys molitrix* (Val.)), чипор дўнгпешона (*H. nobilis* Richardson), оқ амур (*Stenopharyngodon idella* (Val.)) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Тўдакўл сув омбори сувининг балиқчилик сифат кўрсаткичлари, фитопланктон, зоопланктон, бентос организмлар сифат ва миқдор кўрсаткичлари, балиқлар популяцияси структура тузилиши, шу жумладан, ўлчамлари, ўсиши, балиқлар репродуктив биологияси кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда гидрохимёвий, гидробиологик, ихтиологик ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сувнинг сифат кўрсаткичлари, фитопланктон, зоопланктон, бентос организмлар сифат ва миқдор кўрсаткичининг йиллик динамикаси комплекс асосланган;

балиқ маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва яйлов аквакультураси шароитида балиқ етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш такомиллаштирилган;

сув омборига ўтказилган балиқ чавоқларининг ўсиш кўрсаткичлари очиб берилган;

сув ҳавзаси маҳсулдорлиги, ўтказилган балиқ чавоқлари сони ва сифат меъёрларига боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

балиқ овлаш ҳажми, сув омбори балиқ маҳсулдорлиги сув ҳавзасига ўтказилган чавоқлар сифати ҳамда ўтказиш тиғизлигига боғлиқлиги очиб берилган;

Тўдакўл сув омборида балиқ овлаш учун йирик кўзли тўрлардан фойдаланилганда майда балиқларга зарар етказилмаган, атроф-муҳит ва балиқ тўдалари ҳолатини соғломлаштириши исботланган;

сув ҳавзасига балиқлантириладиган карпсимон балиқлар ўлчами, тиғизлик нормалари бўйича сув ҳавзасидаги табиий озуқа базасининг сифат ва миқдор жиҳатдан ривожланиш динамикасига асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кўп йиллик илмий-амалий гидробиологик ва ихтиологик тадқиқотлар олиб борилганлиги, олинган назарий маълумотлар балиқчилик хўжалигининг амалий натижаларга мос келиши, тадқиқот усуллариининг замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув омбори табиий озуқа базаси (фитопланктон, зоопланктон, бентос) шаклланиш динамикасининг илмий асосланганлиги, яйлов аквакультураси шароитида етиштириладиган балиқлар тўдасининг ҳолати, мақсадли балиқ питомнигида балиқ чавоқларини етиштириш технологиясининг ривожлантирилганлиги, балиқ овлаш ҳажми ва балиқ маҳсулдорлигининг ўрганилган факторлар билан боғлиқ эканлиги, илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган бошқариш чора-тадбирлари сув ҳавзаси балиқ маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрсатиб берди, яйлов аквакультурасида сув режимига таъсир этмаган ҳолда, сув омборига қўшимча функция сифатида инновацион йўналишини ривожлантиришга тавсиялар ва ишланмалар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўдақўл сув омборининг балиқчиликдаги аҳамияти ва гидробиологик ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сув омборлари яйлов аквакультураси шароитида етиштирилаётган балиқлар тўдасини шакллантириш мақсадида бир ёзлик карп ва ўсимликхўр балиқлар чавоғини ўтказиш меъёрлари “Golden Lake Fish” МЧЖ, “Ғиждувон Шўркўл” МЧЖ ва “Пешку балиқ” МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликларига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 ноябрдаги 02/032-3940-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзаларидаги балиқ маҳсулдорлигини 3 – 5 кг/га дан 50 – 60 кг/гача, балиқ етиштириш ҳамда овлаш ҳажмини эса 36 – 42% га ошириш имконини берган;

яйлов аквакультурасида табиий озуқа организмларининг миқдори ва уларнинг сифат кўрсаткичлари яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар: Навоий вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 04-02/8-1218-сонли маълумотномаси). Натижада вилоят сув ҳавзаларидаги гидробионтлари биоҳилма-хиллигини сақлаб қолишга эришилган;

сув ҳавзасидаги табиий озуқа базасининг сифат ва миқдор жиҳатдан ривожланиш динамикасига асосланган ҳолда карпсимон балиқлар ўтказиш тиғизлиги бўйича ишлаб чиқилган тавсияси “Golden Lake Fish” МЧЖ сув ҳавзасида амалиётга жорий этилган. (“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2019 йил 10 декабрдаги 011/1566-сон маълумотномаси). Натижада 211 тонна карп, 145 тонна оқ дўнгпешона ва 178 тонна чипор дўнгпешона балиғини овлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия қилинган журналларда 8 та мақола, шулардан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги сув омборларининг балиқчилик хавзалари сифатидаги хусусиятлари”** деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб биринчи қисмда сув омборининг физик-географик ҳолати тавсифланган. Иккинчи қисмида сув омбори ихтиофаунасининг шаклланиш тарихи баён қилинган, унга кўра сув омборида дастлаб реофил балиқлар тури устунлик қилган ва тезда лимнофил балиқлар уларнинг ўрнини эгаллайди. Сув омборининг балиқ маҳсулдордиги 3 – 5 кг/га ни ташкил этади, ов ихтиофаунасини сунъий шакллантириш дастури қўлланилганда 8 – 10 кг/га гача кўтарилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар манбалари ва уларни қайта ишлаш услублари”** деб номланган иккинчи бобида тўпланган материал ҳажми, тадқиқот материали, намуналарнинг йиғиш усуллари, гидробиологик ва ихтиологик тадқиқот услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар даврида (2009 – 2018 йиллар) 146 дона фитопланктон, 149 дона зоопланктон ва 96 дона зообентос намунаси йиғилди ва қайта ишланди. Шу билан бирга балиқларнинг 1435 дона намунаси йиғилди ва таҳлил қилинди.

**“Тўдакўл сув омбори сувининг сифат кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобда сув омбори турли участкаларидан, турли чуқурликлардан (1 – 10 м) сувнинг асосий кўрсаткичлари бўйича олинган ойлик маълумотлар келтирилган. Сув омбори шароити илиқ сув балиқлар учун қулай: кишда сув ҳарорати 5 – 7°C гача пасаяди, ёзда эса 24 – 28°C гача кўтарилади. Агар илиқ сув балиқлари сув ҳарорати 14 – 16°C га етганда ўсишни бошлашни эътиборга олсак, бу давр сув омборида апрель ойининг иккинчи ярмидан бошланиб октябрь ойининг иккинчи ярмигача тугайди. Сув қатламлари бўйича ҳарорат фарқи энг паст октябрь ойида (фарқ 0,3°C) март ойида энг ўзгарувчан (2,7°C) бўлди, январь ва июль ойларида сув қатламининг турли чуқурликларидаги фарқи 2,4°C ни ташкил қилди. Сув омбори сув қатламлари ҳарорати ўртасида яққол фарқнинг мавжуд эмаслигини сув омборининг ирригацион тартиби билан изоҳлаш мумкин.

Сувда эриган кислород миқдори йил давомида барча қатламларида юқори бўлди: киш даврида 10 мг/л дан юқори, баҳор ва кузда 7 мг/л, ёзда эса 6 мг/л дан паст эмас. Сувнинг водород потенциали (рН) сув ҳавзанинг турли қисмларида йилнинг турли фаслларида 7,8 – 8,3 оралиғида ўзгариб турди. Сувининг минераллашуви 912 – 993 мг/л ни ташкил қилди (амалда чучук сув). Аммоний тузлари миқдори 0,07 – 0,013 мг/л ни, нитритлар 0,01 – 0,03 мг/л ни ташкил этади. Балиқчилик нуқтаи назаридан қараганда сувнинг сифат кўрчаткичлари илиқ сув аквакультураси учун, шу жумладан, яйлов аквакультураси учун жуда қулай.

Диссертациянинг **“Сув омборининг яйлов аквакультураси тартибидаги озуқа базаси”** деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, бунда сув ҳавзаси табиий озуқа базаси организмлари, асосий экологик гуруҳлари вакиллариининг динамикаси бўйича маълумотлар ўз аксини топган.

**Фитопланктон.** Август ва сентябр ойида олинган фитопланктон намуналарида 186 тури ва уларнинг тур таркиби: кўк-яшил сув ўтлари (*Cyanophyta*) – 47 тур, диатом сув ўтлари (*Bacillariophyta*) – 100 тур, яшил сув ўтлари (*Chlorophyta*) – 25 тур, пиропитлар (*Dinophyta*) – 7 тур, криптопитлар (*Cryptophyta*) – 3 тур, эвгленасимонлар (*Euglenophyta*) – 3 тур, тилла ранг сув ўтлари (*Cryzophyta*) – 1 турдан иборат эканлиги аниқланди. (1-жадвал). Шу билан бирга ўрганилган мавсумларда уларнинг сифат таркибидаги ўзгаришлар аниқланмади.

1- жадвал

**Тўдакўл сув омбори фитопланктон организмлари таксономик тузилиши (август, октябр).**

ТАКСОНЛАР	Биостанциялар										
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
<i>Cyanophyta</i>	36	29	26	24	26	18	16	21	7	21	18
<i>Bacillariophyta</i>	23	33	29	18	20	21	24	9	27	37	22
<i>Euglenophyta</i>	2	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-
<i>Cryptophyta</i>	1	-	2	1	2	1	2	1	1	1	1
<i>Dinophyta</i>	6	5	3	6	6	3	3	2	2	3	4
<i>Chlorophyta</i>	1	20	18	15	17	15	18	13	6	14	13
<b>Турлар сони</b>	8	87	78	64	72	58	63	46	43	76	58

**Изох:**

**Биостанциялар:** № 1 – Марказий нуқта; № 2 – Инспекция нуқтаси; № 3 – Полковник нуқтаси; № 4 – Чўпон нуқта; № 5 – Сув кировчи канал Зарафшон нуқтаси; № 6 – Бухоро нуқтаси; № 7 - Насосний нуқтаси; № 8 – Федя; № 9 – Бобоёр; № 10 – Қўлтик (Залиф); № 11 – Тройник.

47 тур кўк-яшил сув ўтлари (*Cyanophyta*) сув ҳавзасида аниқланган сув ўтларининг 25,27 % ини ташкил қилди. Таҳлил натижалари кўк-яшил сув ўтлари асосан чучук ва қисман шўрланган сувда кенг тарқалган колониал ва ипсимон шаклдаги – *Microcystis*, *Merismopedia*, *Dactylococcopsis*, *Cloeocapsa*, *Gomposphaeria*, *Synechococcus*, *Oscillatoria*, *Phormidium*, *Lyngbya*, *Anabaena*, *Aphanotohece*, *Anabaenopsis*, *Spirulina* туркумлари вакилларида иборат эканлигини кўрсатди. *Dactylococcopsis*, *Gloeocapsa*, *Synechococcus* туркуми вакиллариининг миқдори унчалик кўп эмаслиги аниқланди.

Ўрганилган намуналарда кўк-яшил сув ўтларининг миқдори август ойида  $7856,25 \cdot 10^3$  дона/л дан  $23443,75 \cdot 10^3$  дона/л гача, октябр ойида  $1875,0 \cdot 10^3$  дона/л дан  $25425,0 \cdot 10^3$  дона/л эканлиги аниқланди. Кўк-яшил сув ўтларининг биомассаси август ойида 235,588 мг/л дан, 236,344 мг/л гача, октябр ойида эса 55,769 мг/л дан 962,288 мг/л ни ташкил қилди.

Диатом сув ўтлари (*Bacillariophyta*) Тўдакўл сув омбори фитопланктон организмлар таксономик тузилишида устунлик қилди (54%) ва *Synedra*,

*Fragilaria, Cymbella, Diploneis, Caloneis, Entomoneis, Gyrosigma, Melosira, Navicula, Nitzschia* туркумлари вакилларидан ташкил топган. Намуналарда аниқланган кўпгина диатом сув ўтлари бир вақтда эвфтрофлашган сув ҳавзаларига шунингдек, ўсимлик детритлари (*Synedra tabulata*) ва унинг турдоши *Amphora ovalis, Rhopalodia gibba* ва унинг турдоши *Navicula cryptocephala* турдошлари билан, *Mastogloia Smithii* ва унинг турдошлари тўпланган сув ҳавзалари учун ҳам хос.

Август ойида тўпланган намуналарда диатом сув ўтлари миқдори сув ҳавзасининг турли қисмларида  $518,750 \cdot 10^3$  –  $1843,750 \cdot 10^3$  дона/литрни, биомассаси эса 227,938 мг/л дан 623,750 мг/литрни, октябр ойида тўпланган намуналарда уларнинг миқдори  $306,250 \cdot 10^3$  –  $3493,750 \cdot 10^3$  дона/литрни, биомассаси эса 206,100 – 7701.456 мг/литр эканлиги аниқланди.

Яшил сув ўтлари (*Chlorophyta*) ўрганилган жойларда ўртача тарқалган ва 25 тури (таксономик тузилишнинг 13,44% ) аниқланди. Яшил сув ўтлари асосан *Ankistrodesmus, Oocystis, Chlorocococcus, Carteria, Dictyosphaerium, Scenedesmus, Tetraedron, Cosmarium, Coelastrum* туркуми вакилларидан ташкил топган, улардан (*Oocystis borgii, Oocystis marssonii, Chlorococccum turgida, Scenedesmus quadricauda, Cosmarium formulosum*) галофил сув ўтлари ҳисобланади.

Яшил сув ўтларининг миқдори август ойида йиғилган намуналарда  $1287,500 \cdot 10^3$  дона/литрдан  $2425,0 \cdot 10^3$  дона/литргача, биомассаси эса 1058,569 – 2425,0 мг/литрни, октябр ойида тўпланган намуналарда  $112,500 \cdot 10^3$  дона/литрдан  $16681,250 \cdot 10^3$  дона/литргача, биомассаси эса 56,025 мг/литрдан 2558,225 мг/литргача ташкил қилди.

Криптофит (*Cryptophyta*) ва пирофит (*Dinophyta*) сув ўтларининг, асосан, *Cryptomonas, Glenodinium, Peridinium, Ceratium* турилари аниқланди.


Криптофит сув ўтлар миқдори август ойида олинган намуналарда  $6,250 \cdot 10^3$  –  $100,0 \cdot 10^3$  дона/литрни, октябр ойида эса  $18,750 \cdot 10^3$  –  $131,250 \cdot 10^3$  дона/литрни, биомассаси августда 8,888 – 117,875 мг/литрни, октябрда 11,300 мг/л – 158,288 мг/литрни ташкил қилади.

Пирофит сув ўтлар миқдори август ойида  $65,625 \cdot 10^3$  –  $618,750 \cdot 10^3$  дона/л, октябр ойида эса  $6,250 \cdot 10^3$  –  $125,0 \cdot 10^3$  дона/л. Пирофитлар биомассаси августда 94,319-974,963 мг/литрни ва октябрда 5,975 – 184,425 мг/литрни ташкил этди.

Яйлов аквакультураси шароитида фитопланктон – кўк-яшил, диатом, яшил, пирофит, криптофит ва эвгленасимон сув ўтларидан ташкил топган. Сув ҳавзасида ривожланаётган фитопланктонлар тури ва шакллари сони бўйича етакчи ўринни диатом ва кўк-яшил сув ўтлари эгаллайди ҳамда сув ҳавзасининг барча участкаларида кўп учрайди. Сув ҳавзасининг ўрганилган барча нуқталарида яшил сув ўтлари етарли даражада мўл, пирофитлар сони эса кам. Криптофит ва, айниқса, эвгленасимон сув ўтлар миқдори кам ва алоҳида ҳудудларда тарқалган. Аммо, ўрганилган давр барча ойларида кўк - яшил сув ўтлари вакиллари сезиларли тарзда кўпчилиликни ташкил этди. Фақат декабрь ойида диатом сув ўтлари миқдори кескин ортиб шу ойда кўк-яшил сув ўтлари вакилларидан кўп бўлади (1-расм).

Биомассаси бўйича турли ойларда яшил ёки диатом сув ўтлари миқдори юқори бўлди, кўк-яшил сув ўтлари бу кўрсаткич бўйича учинчи ўринни эгаллайди.

Умуман олганда, кўпчилик сув ўтлари мўътадил шароитда кенг тарқалган ва юқори экологик валентликка эга бўлган турлар саналади.



**1-расм. Тўдакўл сув омбори турли таксономик гуруҳ фитопланктонларининг ўртача миқдори ва биомассаси.**


Фитопланктон организмлар йиллик динамикасига (сув омборини сув билан тўлиши суғориш мавсуми бошланишига, сув сатҳининг тушиши ёз ойида, сув сатҳини кўтарилиши куздан майгача) яйлов аквакультураси тартибига айнан оқ дўнгпешона балиқларининг турли ёшдаги тўдаларининг мавжудлигига, сув омборининг ирригацион тартиби сезиларли таъсир кўрсатади. Бу тўда ҳосил қилувчи фитопланктофаг (оқ дўнгпешона), билан саноат миқёсида ҳар йили сув омборига балиқлантирилади. Тўдакўл сув омборининг ўлик ҳажми катта, ёзда лентик типидagi етарли даражадаги бир хил сув ҳавзаси сифатида намоён бўлиб, сув акваториясининг катта ҳудудида оқ дўнгпешона балиқларининг тўдалари сузиб юради. Бунинг натижасида сув ўтлари доминант гуруҳлари бўйича барча намуналарда яъни сув ҳавзасининг турли қисмларидан олинган намуналарда деярли бир хил. Кузнинг иккинчи ярмидан сув совуши билан оқ дўнгпешона қишлагга тайёрлана бошлайди ва сув ҳавзасининг чуқур қатламларига кетади. Сув омбори сувга тўлдирилади пайт саёз сувли участкалар пайдо бўлади, бундай жойларга оқ дўнгпешона қирмайди. Буни фитопланктон организмлар миқдори ва биомассасининг турли участкалардан олинган намуналарида сезиларли тарзда турли-туман гуруҳларининг пайдо бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

**Зоопланктон.** Табиий озуқа базасида муҳим аҳамиятга эга бўлган зоопланктон организмлар ривожланиши баҳордан бошланади, шу вақтда олинган намуналарда 4 тур коловраткалар, 2 тур кладоцера ва 3 тур копеподалар аниқланди. Ёзда олинган намуналарда коловраткалар турли-туманлиги 14 тургача ошди, кладоцералар 3 тур ва копеподалар 3 турни ташкил қилди. Октябрда олинган намуналарда коловраткалар сони 5 тургача

камайди, кладоцера 3 тур ва копеподалардан 1 тур аниқланди, октябрь ойида совуқ севар тур *Cyclops vicinus* учрай бошлади. Қишда коловраткалар жуда кам учрайди худди шунингдек, кладоцералар ҳам, копеподалардан *Thermocyclops vermifer* ва *Cyclops vicinus* турлари ҳам устунлик қила бошлади. Февраль ойидан коловраткалар сони тезлик билан кўпая бошлайди, олинган намуналарда 9 тур аниқланди.

Зоопланктон организмларнинг таксономик гуруҳи унчалик кўп эмас, декабрь ва январь ойларида коловратка ва кладоцералар деярли учрамайди, февраль ойидан бошлаб коловраткалар ривожланиши ҳам, намуналардаги турлар мавжудлиги ҳам сон жиҳатдан 1500 дона/м<sup>3</sup> гача ривожланди. Копепода турлар турли-туманлиги кам бўлсада, сон жиҳатдан декабрда 7000 дона/м<sup>3</sup>, январда – 8000 дона/м<sup>3</sup> дан кўпроқ ва февралда 4000 дона/м<sup>3</sup> ни ташкил этди. Август ойига келиб намуналардаги сув ҳавзаси бўйича коловраткалар сони ўртача 4936 дона/м<sup>3</sup>, кладоцера 26166 дона/м<sup>3</sup>, копеподалар 32909 дона/м<sup>3</sup> га етди.

Сентябрь ойида зоопланктонлар асосий таксономик гуруҳлари миқдорининг ортиши давом этди. Сентябрь ойидаги намуналардаги коловраткалар ўртача сони 13883 дона/м<sup>3</sup>, кладоцералар 53531 дона/м<sup>3</sup>, копеподалар 45927 дона/м<sup>3</sup> эканлиги аниқланди. Бу улар миқдорининг энг юқори чўққиси саналади. Кузатишларимиз бўйича сентябрь ойида кладоцералар ўртача сони копеподалар ўртача сонидан ортиқча эканлиги аниқланди. Кейинчалик намуналардаги коловратка ва кладоцералар миқдори кескин қисқаради. Копеподалар сони ортишда давом этади ва ўртача 88478 дона/м<sup>3</sup> га етади. Декабрь ойидан зоопланктон организмларнинг таксономик гуруҳи миқдори пасаяди (2-расм).



**2-расм. Тўдакўл сув омборида зоопланктонлар гуруҳи биомассаси ва сонининг ўртача йиллик динамикаси (дона/м<sup>3</sup> ва мг/м<sup>3</sup>).**

Биомасса. Қишда коловратка ва кладоцералар намуналарда бутун сув ҳавзаси бўйича деярли учрамади, шу билан бирга биомассаси сув омбори бўйича ўртача 65 – 160 мг/м<sup>3</sup> даражасида бўлди. Баҳорда дастлаб кладоцералар сони, кейинчалик бошқа таксономик гуруҳлар миқдори орта бошлади. Биомассаси бўйича копеподалар сезиларли даражада устунлик қилади. Ёзда кладоцера ва копеподалар биомассасининг сезиларли ўсиши содир бўлди, август ойида кладоцералар биомассаси 400 мг/м<sup>3</sup> дан ортиқ,

ўртача кўрсаткичи ҳатто копеподалар ўртача биомассасидан (ўртача 290 мг/м<sup>3</sup>) ошиб кетди. Сентябрь ойида зоопланктонлар биомассаси янада ошди. Кладоцералар зоопланктонлар умумий биомассасида жуда юқори улушда бўлишда давом этди ва сув ҳавзаси бўйича ўртача 700 мг/м<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Копеподалар биомассаси сув омбори бўйича ўртача 400 мг/м<sup>3</sup> дан ошди. Октябрь ойида коловраткалар биомассаси кескин ошиб 280 мг/м<sup>3</sup> гача кўтарилди ва ҳатто кладоцералар биомассасидан ҳам ошди (биомассаси сув ҳавзаси бўйича ўртача 207 мг/м<sup>3</sup> гача камайди). Зоопланктонлар ичида копеподалар яна устунлик қилди. Қишга қараб зоопланктон организмлар сони муайян қонуниятларга кўра камайди.

**Зообентос.** Табиий озуқа базасида муҳим аҳамиятга эга бўлган зообентосларнинг 13 тури аниқланди. Макробентосларнинг, асосан, камтукли чувалчанг (олигахет)лар ва жуфт канотлилар личинкаси (хиронамидлар) дан ташкил топган.

Қиш ойларида зообентоснинг сони 243 дона/м<sup>2</sup> дан 1680 дона/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача сони 806 дона/м<sup>2</sup> ва биомассаси эса 0,74 г/м<sup>2</sup> дан 4,63 г/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача биомассаси 2,51 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, асосан, хиронамида личинкаси ва олигахетларга тўғри келади.

Баҳор ойларида келиб зообентос организмларнинг сони 62 дона/м<sup>2</sup> дан 1178 дона/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача сони 561 дона/м<sup>2</sup> ва биомассаси эса 0,23 г/м<sup>2</sup> дан 2,65 г/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача биомассаси 1,36 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, асосан хиронамид личинкаси ва олигахетларга тўғри келади.

Ёз ойларида келиб зообентос организмларнинг камайиши кузатилади. Бунга сабаб хиронамид личинкаларининг учиб кетиши ҳисобланади. Зообентоснинг сони 114 дона/м<sup>2</sup> дан 728 дона/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача сони – 728 дона/м<sup>2</sup> ва биомассаси эса 0,23 г/м<sup>2</sup> дан 2,33 г/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача биомассаси 1,57 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, асосан олигахетларга тўғри келади.


Куз ойига келиб зообентосларнинг сони ва биомассаси сезиларли даражада ўзгариши кузатилади. Зообентоснинг сони 49 дона/м<sup>2</sup> дан 1459 дона/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача сони 667 дона/м<sup>2</sup> ва биомассаси эса 0,24 г/м<sup>2</sup> дан 3,87 г/м<sup>2</sup> гача учрайди, ўртача биомассаси 1,95 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, асосан, олигахетларга тўғри келади.

**“Яйлов аквакультураси шароитида сув омборига ўтказилган товар балиқлар тўдасининг хусусиятлари”** деб номланган бешинчи боб сув ҳавзаси яйлов аквакультураси шароитида етиштирилаётган балиқлар тўдасининг асосий кўрсаткичларига бағишланган. Сув омборининг қирғоғида балиқ питомниги ташкил этилган бўлиб унда ёз ойларида карп, оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларнинг личинкалари 2004 йилдан буён мунтазам равишда сув ҳавзасига ўтказиб келинади. Бошқа усул – овлашни катак ўлчамлари йирик (70 мм ва ундан юқори) бўлган сўрма тўр (невод) билан овлашга ўтишдир. 2003 йилгача сув омборидан овланган балиқлар миқдори бир неча ўн йилликда йилига 170 – 220 тоннани ташкил қилди, балиқ маҳсулдорлиги 8-10 кг/га ни ташкил қилган.

Овлаш ҳажми 2003 йилда 377,4 тоннагача, 2004 йилда 502,5 тоннагача, 2006 йилда 612,7 тоннагача, 2014 йилда 876 тоннагача, 2015 йилда

995 тоннагача, 2016 йилда 1184 тоннагача, 2017 йилда 1380 тоннагача ва 2018 йилда 1472 тоннагача ошди (Аква-Тўдакўл ва Golden Lake Fish МЧЖ маълумотлари ). 2006 йилдан бошлаб сув ҳавзасига ўтказилган карп ва ўсимликхўр балиқларнинг товар тўдаси вакиллари овлана бошланди, яъни, яйлов аквакультураси тартиби жорий қилинди.

**Товар карп балиғи кўрсаткичлари.** Сув ҳавзасидаги карп балиғи популяцияси 0+ 9+ ёшдаги, асосан, 3 – 6 ёшдаги балиқлардан ташкил топган. Ўрганилган сув ҳавзасидаги карп балиғи ўсиши бўйича олинган маълумотларни Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа сув ҳавзалар билан таққослаганда Тўдакўл сув омборидаги шароит тур ўсиши учун жуда қулай. Овланган балиқлар ёш тузилиши, асосан, 3 ёш ва ундан катта ёшдаги балиқлардан ташкил топган, яъни яратилган тартиб турдан балиқчилик объекти сифатида жуда яхши фойдаланмоқда. (3-расм).



**3–расм. Тўдакўл сув омборидан овланган зоғора балиқ ёш тузилиши (2017 й).**


**Узоқ Шарқ ўтхўр балиқлар тўдаси кўрсаткичлари (оқ дўнгпешона мисолида)** бу балиқ сув омборида табиий ҳолда кўпаймайди, бироқ 2010-2018 йиллар давомида овланган балиқлар ичида 2-3 ўринни эгаллаб келади (овнинг 24%ини ташкил этади). Ўтхўр балиқларнинг асосий қисмини балиқчилар қишда овлашади.

Ўтказиш тиғизлиги айнан Тўдакўл сув омборида юқори бўлсада, бу балиқлар ушбу регионнинг бошқа сув ҳавзаларига қараганда жуда тез ўсади. Оқ дўнгпешона балиғининг овланган қисми асосан 3+, 4+ ёшдаги балиқлардан ташкил топган бўлиб, бу ушбу турнинг яйлов аквакультураси учун жуда қулай объект эканлиги билан изоҳланади.

**Яйлов аквакультурасида балиқлантирилган объектлари билан овланган балиқлар ҳажмининг боғлиқлиги.** Балиқ чавоқлари сув омборига бир ёзлик (0+) даврида, яъни кузда ўтказилади, ўтказилган балиқ чавоқларининг товар балиқ тўдасига айланиши учун бир неча йил вақт кетади. Карп балиғининг 3 ёшдан катталари овланади. Сув ҳавзасига ўтказилган карп, дўнгпешона балиғи чавоқлари билан овланган балиқлар миқдори ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди (4-расм).

Буларда ҳам 3 йил балиқлантирилган балиқ чавоқлари билан овланган балиқ миқдори ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди.

Диссертация ишида шундан кейин сув омборидан овланган балиқлар ови муҳокама қилинган ва турли турларга, шу жумладан, яйлов аквакультураси жорий қилингандан кейинги маҳаллий ихтиофауна вакиллари ҳолатига баҳо берилган.



**4-расм. а) Балиқлантирилган бир ёзлик чавоқлар (ч,т) билан 3 йилдан кейин овланган карп (о,т) миқдорининг боғлиқлиги. б) Икки тур дўнгпешона балиқлари чавоқларининг балиқлантирилиши (ч, т) ва 3 йилдан кейин овланган (о, т) балиқлар ўртасидаги боғлиқлик.**

Сув омборидаги балиқ турларидан фақат 10 тури (карп, оқ амур, оқ дўнгпешона, чипор дўнгпешона, шарқ оқчаси, европа лаққаси, илонбош, оқ сла, кумуш товон балиғи, орол чавоқ балиғи) овланади.

## ХУЛОСАЛАР

«Тўдакўл сув омборининг балиқчиликдаги аҳамияти ва гидробиологик ҳолати» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сув омборидаги сув ҳароратининг ўртача кўрсаткичи мавсумий ўзгариб туради, водород кўрсаткичи (рН) барча биостанцияларда 6,4 – 8,4, сувда эриган кислород миқдори 4 – 11,7 мг/л, сув тиниқлиги 17 – 60см, сувнинг минерализацияси 912 – 993 мг/л, аммоний миқдори 0,07 – 0,013 мг/л ва нитритлар 0,01 – 0,03 мг/л оралиғида тебранган, сув ҳавзасининг сифат кўрсаткичлари яйлов аквакультураси учун жуда қулайлиги кўрсатиб берилади.

2. Сув омборида фитопланктонларнинг 186 тури учрайди. Шундан, 47 тур кўк яшил сув ўтлар (*Cyanophyta*), 100 тур диатом сув ўтлар (*Bacillariophyta*), 25 тур яшил сув ўтлар (*Chlorophyta*), 7 тур пиропитлар (*Dinophyta*), 3 тур криптофитлар (*Cryptophyta*), 3 тур эвгленалар (*Euglenophyta*) ва 1 тур тилласимон ўтлардан ташкил топган. Барча турларнинг мавсумий сифат ва миқдор ўзгариши билан изоҳланади.

3. Сув омборида зоопланктонларнинг 35 тури учрайди. Шундан, 25 тур коловраткалар (*Rotifera*), 7 тур кладоцералар (*Cladocera*), 4 тур копеподалар (*Copepoda*) дан иборат, барча турларнинг мавсумий сифат ва миқдор ўзгариши юзага келади.

4. Сув омборида зообентосларнинг 13 тури учраши аниқланди. Шундан, 2 тур хирономид, 3 тур олигохет, 5 тур моллюскалар, 1 тур ёнсузар, 1 тур креветка, 1 тур мизиддан иборат, барча турларнинг мавсумий сифат ва миқдор ўзгариши аниқланди.

5. Карп балиғининг ёш гуруҳи бўйича ўсиш суръати ўрганилиб, 1+ ёшда 17,0 см, 2+ ёшда 12,2 см, 3+ ёшда 12,4 см, 4+ ёшда 10,7 см, 5+ ёшда 9,1 см ни ташкил этди. Карп балиқлари тўдасининг ўсиш суръати биологик ва балиқчилик кўрсаткичлари бўйича сув ҳавзасига тиғиз ўтказилган шароитда ҳам юқори бўлади.

6. Оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларининг ёш гуруҳи бўйича ўсиш суръати таҳлил қилинди, уларнинг 5+ ёшгача бўлган ўртача умумий ўсиш суръати тегишлича 84,7 см, 65,6 см ва 92,5 см ни ташкил этади.

Узоқ Шарқ ўтхўр балиқлар тўдасининг ўсиш суръати биологик ва балиқчилик кўрсаткичлари бўйича сув ҳавзасига тиғиз ўтказилган шароитда ҳам юқорилиги аниқланди. Оқ амур балиғининг ўсиш суръати юқори бўлса ҳам бу балиқни ўтқазиб меъёрларини белгилаш лозим, чунки кўлда юксак сув ўтлари, асосан, сув ҳавзасининг қирғоқга яқин жойларда ўсади. Бу эса сув ҳавзасидан ирригацион мақсадларда фойдаланилганда уларнинг қисқаришига сабаб бўлади.

7. Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси тизимидан фойдаланила бошлангандан кейин сув омборига балиқ чавоқлари ўтказила бошланди. Бу эса сув ҳавзасидан карп, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларининг овдаги улуши ортишига сабаб бўлди. Бу 2016 йилда 211 тонна карп, 145 тонна оқ дўнгпешона, 178 тонна чипор дўнгпешона балиғи кўшимча равишда овлангани билан изоҳланади.

8. Сув омбори ихтиофаунаси инвентаризация қилинганда 29 балиқ тури учраши кузатилди. Шундан 10 та тур овланадиган балиқларнинг асосий қисмини ташкил этди. Турлар хилма-хиллиги сув ҳавзасининг балиқлантирилган балиқ турлари ҳисобига ошганлиги кузатилади.

9. Сув омборида саноат овида йирик катакли судрама тўрларга ўтганлиги туфайли овланган балиқлар сифат кўрсаткичи кескин ошиб, натижада бу усул орқали юқори овлаш самарадорлигига эришилди. Саноат ови орқали кам қимматли балиқ турлари ва ёш балиқлар гуруҳига таъсир кўрсатмайди, натижада овланган балиқлар тур структурасининг турлитуманлиги ошган яъни ихтиофауна экологик соғломлашган. Шундан келиб чиқиб саноат ови орқали овлаш жараёнида йирик кўзли судрама тўрлардан фойдаланиш тавсия этилди.

10. Ўзбекистон шароитида яйлов аквакультурасида қўлланиладиган сув ҳавзаларини, табиий озуқа базаси захирасининг ҳолатидан келиб чиқиб, бир йиллик карп, оқ амур, оқ дўнгпешона ва чипор дўнгпешона балиқлари 50 граммдан кичик бўлмаган ўлчамли, балиқ чавоқлари ўтқазиб тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**СОБИРОВ ЖОБИР ЖАМОЛОВИЧ**

**РЫБОХОЗЯЙСТВЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ И ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКИЙ  
РЕЖИМ ТУДАКУЛЬСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/B274**

Диссертация выполнена в Институте зоологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу ([www.Guldu.uz](http://www.Guldu.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич**  
доктор биологических наук, доцент

**Каримкулов Абдулла Тожикулович**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Самаркандский Государственный Университет**

Защита диссертации состоится «07» марта 2020 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании научного совета PhD. 03/30.12.2019.B.91.01 при Гулистанский Государственный Университет в зале заседаний Гулистанский Государственный Университет (Адрес: 120100, г. Гулистан, ул. 4 – микрорайон Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E-mail: [glsuinfo@edu.uz](mailto:glsuinfo@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Гулистанский

Государственный Университет (зарегистрировано за № 1). Адрес: 120100, г. Гулистан, ул. 4–микрорайон Тел.: (+99867) 225–39–25

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 1 от «18» февраля 2020 г)

**Х.К. Каршибаев**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степень,  
д.б.н., профессор

**Ф.П. Гаибназарова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степень, д.ф.б.н (PhD)., доцент

**Х.Х.Кушиев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степень,  
д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире увеличение потребности в продовольствии определяет использование биологического потенциала внутренних водоемов в том числе, рациональное использование рыбных ресурсов. В тоже время для более рационального использования естественной кормовой базы водохранилищ необходимо уделять внимание развитию технологий рыбоводства в водоемах. Исходя из этого, обоснование методов развития рыбоводства и разработка мер по повышению их рыбопродуктивности при использовании в водохранилищах имеет научно-практическое значение.

В мире большое внимание уделяют развитию интенсивных методов в рыбохозяйственном секторе, в т. ч. повышению эффективности пастбищной аквакультуры и внедрению в производство ценных перспективных видов рыб. В этом плане, разработаны методы выращивания рыб в водохранилищах, расположенных в разных географических зонах, усовершенствованы методы мониторинга состояния популяции промысловых рыб в пастбищной аквакультуре и меры по эффективной организации лова. Следует отметить, устойчивость технологий для сохранения биологического разнообразия ихтиофауны водоема, определения баланса соотношения между количеством зарыбляемой и вылавливаемой рыбы, разработки рациональных методов промысла, дающих возможность вылова нагуливаемых рыб, что имеет важное значение. В этом плане, повышение рыбопродуктивности конкретного водоема, расположенного в определенных географических условиях, управление выловом с учетом нагуливаемых косяков является основным приемом. Исходя из вышеуказанного, повышение эффективности методов пастбищной аквакультуры в водохранилищах, оценка качественных и количественных показателей естественной кормовой базы и внедрение новых инновационных биотехнологий имеет важное научно-практическое значение.

В настоящее время в республике уделяют большое внимание развитию рыбной отрасли, рациональной эксплуатации рыбных ресурсов, развитию инновационной аквакультуры и комплексному использованию воды. В частности, развиты программы регулярного зарыбления озер и водохранилищ равнинной зоны рыбами семейства карповых, занимающих начальные звенья пищевых цепочек. Внедрены интенсивные методы выращивания рыб, а также увеличены объемы переработки и воспроизводства рыбы с учетом местных климатических условий. Так, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены задачи «последовательного развития сельскохозяйственного производства» и «комплексного водопользования» в условиях зарегулированного стока рек. В реализации этих задач развитие методов

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

пастбищной аквакультуры в ирригационных водоемах приобретает важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07.02.2017 г «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента ПП-2939 от 01.05 2017 г «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» и ПП-3657 от 06.04.2018г «О дополнительных мерах по интенсивному развитию рыбной отрасли» и Кабинета Министров Республики Узбекистан № 719 от 13.09.2017 г., «О мерах по комплексному развитию рыбной отрасли» и 845 от 18.10.2017 г., «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства», а также другими нормативно-правовым документами в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология охрана окружающей среды».

